

Дил – ба ёр-у, даст – ба кор

# НАҚШБАНДИЯ

2015  
йил

Илмий-ирфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнал

2 (14)



Саййид Махдуми  
Аъзам Косоний – Дахбедий



Шайх Хованд  
Тахурнинг кулоҳи



28 «Ичда доим ошно бўл,  
ташда тут бегонадек...»

*Ичда доим ошно бўл, ташда тут бегонадек,  
Бу каби зебо равиш кам топилур дунёда ҳам.*

Баҳоуддин НАҚШБАНД

[www.naqshband.uz](http://www.naqshband.uz)

ISSN 2010-7676



## САЖДАНИНГ СИРИ

Султон МУРОД

*Мустабид даврда ўзбек халқига  
Битди икки буюк соҳиби қалам.  
Эллик йилки, маънан етаклар эли  
Эзгу мақсад сари қадам-бақадам.*

*Икки дил бағрида улғайди миллат,  
Воҳид<sup>1</sup> Эркинликка чорлади бири.  
Абди<sup>2</sup> Аллоҳ бўлди бири, Ориф ҳам,  
Сўзлардан тўн кийди кўнгилининг сири.*

*Яратган ярлақаб, халқни сўйлатди  
Шу икки дарёи дилнинг тилидан.  
Завқини, шавқини айтиб, тўктирди  
Дардини – ҳар неки ўтган дилидан.*

*Лек замон саждага қўйдирмади бош,  
Қўйдирса, тасаввур этиб бўлмасди.  
Не-не хос сирларин очармиди Ҳақ,  
Бу икки даҳога этиб бўлмасди.*



<sup>1</sup>Воҳид – бир, ёлғиз, ягона.

<sup>2</sup>Абд – баъда, Худонинг қули.



Дил – ба ёр-у, даст – ба кор

# НАҚШБАНДИЯ



Илмий-ирфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнал

2 (14)

## Муассис:

Баҳоуддин Нақшбанд  
Ёдгорлик мажмуаси маркази

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
2008 йил 19 июлда 0538 рақами билан рўйхатга олинган.

## Бош муҳаррир:

Султонмурод ОЛИМ

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Усмонхон Алимов  
Абдулазиз Мансур  
Иброҳим Ҳаққул  
Зоҳиджон Исломов  
Зоҳидулла Мунавваров  
Фирдавс Абдуҳоликов  
Абдулғафур Раззок Бухорий  
Насруллоҳ Шукруллоев  
Эргаш Очилов  
Уктам Ғуломов  
Комилжон Раҳимов

Матиларда фойдаланилган мисол, кўчирма, маълумотлар  
аниқлиги учун муаллифлар – жавобгар.

Журналдан кўчириб босилганда манба кўйд эскилиши – шарт.

## МАНЗИЛИМИЗ:

200708, Бухоро вилояти, Когон тумани, Қасри  
Орифон китобхонаси, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик  
мажмуаси маркази.

Тел.: (0-365) 527-62-65, 527-62-72.

Факс: (0-365) 225-47-95, 224-40-51.

[http:// www.naqshband.uz;](http://www.naqshband.uz)

e-mail: [info@naqshband.uz](mailto:info@naqshband.uz)

“Нақшбандия” журнаliga 2015 йил учун обуна  
лавои этмоқда. Унга “Матбуот тарҳатуви” акция-  
дорлик жамиятининг жойлардаги бўлимлари орқали  
обуна бўлиш мумкин.

Нашр индекси: юридик шахслар учун – 1200;  
жисмоний шахслар учун – 1201.

Бичими – 60x84 1/8. Шартли босма табағи – 4,5.

Адади – 3000 нусха. Буюртма – №3944.

Баҳоси – шартнома асосида.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41.

## МУНДАРИЖА

### БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Қабристон ободлиги ва эърат олоби .....2

### МАЪРИФАТ МАНЗИЛАРИ

Уяғун ҒАФУРОВ  
Ўзбекистонда диний таълимнинг тарихий вазияти .....7

### ИЛМ САОДАТИ

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Калом қилимининг яқин тарихидан .....14

### НАҚШБАНДИЙ СИМВОЛАРИ

Неъмат ЖАББОРОВ  
Саййид Махдуми Аъзим Косоний – Даҳбедий .....20

### ТАСАВВУФ ЭМАС, БУХДУ ТАҚВОЮ ТОҒИ...

Айдарбек ТУЛЕПОВ  
“Ичда доим ошино бўл, ташда тут бегонадек...” .....28

### ИРФОНИЙ ҚАЙТЛАР ТАЛҚИНИ

Толибжон РЎЗИБОВЕВ  
Исроҳ фалсафасининг бадий нафосати .....30

### АВАНИЯТ

Муҳаммадиёр Муҳлис НАМАНГОНИЙ  
Биллар – нақшбандиялар .....34

### КАДРИЯТ

Исмоил БОТИРОВ  
Шайх Ховлид Тахурнинг кулеҳи .....36

### АРУЗ НАФОСАТИ

Убайдий. Ғазаллар .....39



## КАЛОМ ИЛМИНИНГ ИЛК ТАРИХИДАН

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,  
фиология фаълари доктори, профессор, ЎзМУ ректори

*Ректор Национального университета Узбекистана, лауреат государственной премии, доктор филологических наук, профессор Шухрат Сираджиддинов в своей статье "Из начальной истории калама", опубликованной под рубрикой "Блаженство науки", освещаются начальные процессы формирования и развития одной из дисциплин исламской науки – калама.*

*Rector of the National University of Uzbekistan, winner of the State prize, Doctor of philology, Professor Shuhrat Sirojiddinov in his article "From the early history of the science of 'kalom'" published under the feature "The happiness of science", covers the initial processes in shaping up and development of one of the disciplines of the Islamic science – 'kalom'.*

Исломнинг янги худудларга ёйилиши билан у ёки бу тарзда янги диний эътиқодлар, янги малакиятлар, одатларга дуч келинди. Бу диннинг ёйилиши уни бошқа динлар билан тўқнашишга олиб келди. Бу ҳол ўзи билан бирга янги масалалар, талабларни юзага чиқарди. Муслмонлар янги сиёсий тизимга асосланган ўз ҳокимиятларини ёяр экан, турли одатлар ва анъаналарга эга халқлар билан мураккаб муносабатларга киришди. Уларнинг қаринида исломга янги халқларнинг кириши натижасида юзага келган муаммолар кўндаланг бўла бошлади. Маданияти юксакроқ бўлган халқларнинг мантикий саволларига қониқарли жавоб топиш, ўз динларининг бошқа динлардан афзаллигини кўрсатишда, муқаддас китоблар билан қифояланибгина қолмай, шу билан бирга, мантикий жиҳатдан исбот қилиш ҳаёт-мамот масаласига айланди. Бу, ўз навбатида, янги гоя ва йўлларнинг пайдо бўлишига олиб келиши равшан эди.

Иккинчи томондан эса халифалик ичидagi сиёсий беқарорликни бартараф этиш, муслмонларнинг турли фиркаларга бўлиниб кетишига йўл қўймастик зарурати уламоларни янги изланишларга мажбур қилди.

Ушбу омидалар яҳудийлар, христианлар ва монийлар ўртасида қадимдан давом этиб келётган мунозараларнинг энг оммавий тури бўлган «хужум-химо» кўринишидаги баҳс усулининг ислом уламолари доираларида расм бўлишига олиб келди. Исломда «Калом» номи билан машҳур бўлган бундай баҳсларни олиб борушларга нисбатан «мутақаллимин», яъни «сўзлашувчилар» атамаси қўллана бошлади. Бу баҳслар дастлаб турли гуруҳларнинг жонзаки ва чапани олишувлари шаклида намоён бўлган.

Калом фалсафадан факат предмети билан ажралиб туради. Файласуф фалсафий асосларга суянса, мутақаллим диний хужжатларга асосланади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ирода эркинлиги ва қадар масаласида илк теологик баҳслар кўтарилган. Ушбу масала бўйича баҳс юритган биринчи теологлар Мазбад ал-Жуханий (вафоти – 699 йил), Жайлон ад-Дамашкий (вафоти – тахминан 743 йил), Восил ибн Ато (вафоти – 748 йил), Юнус ал-Асворий ва Амр ибн Убайд (вафоти – 762 йил) бўлган.

Бу масалаларнинг ечими кўпинча фалсафий бўлса-да, аммо шундай деб ҳисобланмас эди. Балки, бунга сабаб кўплар, *гайридинларнинг теологик усуллари ислом таълимотидаги чаққан муаммоларни ҳал қилишда тўғри келмайди*, деб уйлаганликлариди бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Бу даврларда Дамашқда олимлар орасида христианлар кўпчиликини ташкил қилар эди. Бу омида христиан теологларининг муслмонлар билан ўзаро алоқада бўлганлигини тасдиқлайди. Муслмонлар билан ирода эркинлиги бўйича олиб борилган шундай баҳсларда христиан олимлари Авалиё Жон Дамашкийнинг (вафоти тахминан 748 йил) шогирди, Харрон бош руҳонийси ва Шарқий Черковнинг охири буюк теологи Теодор Абу Курроннинг (вафоти – 826 йил) ҳам иштирок этгани маълум<sup>2</sup>. Шунингдек, манбаларда Мазбад ал-Жуханийнинг Сусан исми ироқлик христиан билан ирода эркинлиги хусусида ўтказган баҳси хақида ҳам маълумот берилган.

Ирода эркинлиги тарафдорларининг теологик қарашлари, агар улар сиёсатга дахл қилмаганида, балки, шунчалик эътиборни жалб қилмаган

<sup>1</sup>Oliver Leaman. An introduction to medieval Islamic philosophy. Cambridge University Press, 1984. P. 8.

<sup>2</sup>Fakhr Majid. A history of Islamic philosophy. Columbia University Press, 1970. P. 58.



булармиди. Халифаларнинг адолатсизлиги гарчи сиёсат учун қилинган бўлса-да, уни окламаслиги ва нариги дунё азобидан оқуд этмаслиги ҳақидаги бакириклар ҳукмдорларнинг гашига теккани – аниқ. Маъбад ва Жайлонинг умавий халифа Абдулмалик (685 – 705 йиллар) томонидан қатл этилиши, халифа Хишом (724 – 743 йиллар) ҳам уларнинг тарафдорларини ҳокимиятга таҳдид қилувчи кучлар сифатида таъкиб этгани шундан далolat беради.

Шариат аҳли эркин ирода тарафдорларини юнон ёки христиан ғояларини ўзлаштиришда айблади. Шахристоний ибораси билан айтганда, «мусул», яъни эътиқод асослари борасида борган бахслар VII асрнинг охирида «*қонун файласуфлари таълимоти руҳидаги диалектик унсурлар билан бўлганди*», юнонлар таъсирда мутакаллимлар *бидъатчилар* деб аталди<sup>1</sup>.

Гарчанд калом илмининг аломатлари Мухаммад (с. а. в.) вафотидан кейин дарҳол кўзга кўринган бўлса-да, унинг фан сифатида шаклланиши – маълум маънода, аклий (рационал) таълимоти ишлаб чиққан муътазиллийлар билан боғлиқ. Шариатни химоя қилувчи мутакаллимларнинг асосий зарбалари айнан шуларга қаратилган эди. Чунки айнан муътазиллийлар биринчи бўлиб дин масалалари, янги пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишда мантиққа суъниб иш кўрди. «*Аллоҳ адолати қандай амалга ошади?*» ва «*Евузлик қаердан пайдо бўлган?*» – қабилдаги саволлар-олдин ҳеч кимни қинқирмаган бўлса, бу масала муътазиллийларнинг саъй-ҳаракати билан калом бахсларининг бош масаласига айланди.

Муътазиллийлар Аллоҳ адолати муқаррарлиги, шафоат йўқлиги ва дуъада мангу азоб борлигини тарғиб этди. Аллоҳнинг тақводорларни муносиб тақдирлаши, шу билан бирга, ҳидоятдан адашганларни жазо кутажани, уларга на пайғамбар, на авлиёлар шафоати, на Аллоҳ раҳм қилиши ҳақидаги ғояларни илгари сурди. Уларни аббосий халифалар кўллаб-қувватлади. Бундан руҳланган муътазиллийлар дин асослари таҳлилга янада чуқурроқ киришиб кетди. Бу эса Қуръони каримни зоҳирий идрок этувчилар учун қатта муаммоларни келтириб чиқарди<sup>2</sup>.

Муътазиллийларнинг жиддий бахсларга сибаб бўлган яна бир таълимоти ирода ва илоҳий калом хусусида бўлди. Бу бахсларнинг ташаббускори муътазиллийларнинг Абу Хузайл бошчилигидаги Басра мактаби эди. Улар илоҳий ирода ва унинг имконийлашуви, бошқача айтганда, яратилмага айланиши атрофида баҳс чиқариб, Қуръони каримнинг яратилгандлиги ғоясини ўртага ташлади.



Бу ғоя, Ашъарий ўзининг «Мақлот» асарида келтиришича, христианликда Исо Худонинг каломи сифатида илоҳийлаштирилганда бунга қарши чиққан бир оқимнинг ғоялари таъсирда тугилган. Бу билан муътазиллийлар ўзларича мусулмонларнинг Қуръони каримга сиғинишининг олдини олмоқчи бўлган.

Инсон ўз хатти-ҳаракатларида эркин бўлиши ғояси баъзи муътазиллийларни янада чуқур изланишларга ундади. Басра мактабининг бошлиғи Абул Хузайл (вафоти – 841 йил) «*таваллуф*» концепциясини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, Ал-Ашъарий ёзишича, амаллар инсон томонидан «*ҳаракатга келтирилади*» ва улар икки қисмга бўлинади:

Биринчиси, «*кайфия*» амаллари дейилиб, инсон ўз амаллари қандай натижа беришини, оқибати қандайлигини билди. «*Кайфия*» суъзи арабчада «*нарсанинг қандайлигига алоқадор*» деган маънони беради. Масалан, киши ўқининг ўқиши ёки икки жисм тўқнашувидан товуш ҳосил бўлишини ёки қандай товуш чиқишини билгани каби.

Иккинчиси натижаси ёки оқибати номаълум, «*кайфия*»нинг акси бўлган «*било кайфа*» амаллари билдиради. Улар инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган амаллар бўлиб, инсон уни бошқара олмайди. Масалан, роҳатланиш, оч қолиш, билиш, ҳидни сезиш ва ҳоказолар. Инсон, айтиш мумкин-

<sup>1</sup>Fakhry Majid, P. 58.

<sup>2</sup>Қаранг: Сатийед Мухаммад Хотамий, Ислам тафакхури тарихидан. Н. Комилон таржимаси. Т. 2002. 8 – 49-бетлар.





ки, кайфия амалларини онгли равишда ўзи амалга оширади. Ўзига боғлиқ бўлмаган амаллари эса Аллоҳга тааллуқли бўлиб, бу Яратганинг иродаси билан амалга ошади.

Шу даврда муътазиллийларнинг Бағдод мактаби етакчиси Бишр ибн ал-Муътамир (вафоти – 825 йил) ҳам таваллуд назариясини қабул қилиб, уни ўзича талқин қилди. Унингча, бизнинг амалларимиздан ниманки ҳосил бўлса, улар «кайфия»ми, ёки «било кайфия»ми, бундан қатъи назар, бизнинг феълимиз натижасидир<sup>6</sup>.

Бу икки мактаб фикрларида муайян фарқ бўлса-да, улар қуйидаги масалаларда яқдил эди:

1. Инсон ўз хоҳишини амалга оширишда ўз эркин иродасига мувофиқ ҳаракат турини тавлайди (масалан, бойиш учун ҳалол йўлдан ҳам бориш мумкин, ҳаром йўлдан ҳам).

2. Инсон ўз табиатига боғлиқ бўлмаган айрим ҳаракатларини ирода-хоҳишига кўра амалга оширади (масалан, жажлини енгитиш, сабр қилиш каби).

Шу тарика «ирода»нинг сабаб сифатида ва ҳодисанинг окибат сифатидаги мувофиқлигига эришилгандек эди. Бироқ муътазиллийлар орасида бу олимларнинг ғоялари ҳам турли баҳсларга боис бўлди. Ўртадаги туганмас баҳсларга чек қўйиш ва ягона таълимот асосларини яратиш олимлар учун долзарб масалага айланди. Шу йўналишда ҳаракат қилиб кўрган олимлардан бири Ан-Наъзомдир (вафоти – 835 йил). У ўз қарашларида турли фалсафий усуллардан фойдаланди. Жумладан, «табъ», яъни табиат ва «қумун», яъни ҳосила орқалигига билиш мумкин бўлган нарсаларнинг асли Аллоҳ ҳикматида тааллуқлилиги ҳақидаги тушунчаларни истемолга киритди. У оламдаги

барча ҳаракатларни табиат орқали бавосита Аллоҳга боғлашга ҳаракат қилди<sup>6</sup>.

Бу концепцияда, *Аллоҳ табиат ҳодисаларига мунтазам аралашшига бўлган заруратдан озод деб тасаввур қилинди*, шу билан бирга, *унинг бавосита ҳукмронлиги сақланиб қолади*, дейилди. Бироқ бундай қараш Илохий кудратнинг чексизлигига зъгикодда бўлган Ибн Карром (вафоти – 869 йил) ва унинг издошларини ҳам, худди шундай, инсоннинг ирода эркинлигига эгаллиги ҳақидаги ғоя тарғиботчилари Бишр ва Абул Хузайлни ҳам қониктирмади. Улар Ан-Наъзомни кескин танқид қилишди<sup>7</sup>.

Ан-Наъзом «табъ» тушунчасини ашё ичидаги мураккаб жараён асоси сифатида кўрсатишда Бишр ал-Муътамарнинг устози Муаммар ибн Аббосга эргашган бўлиши мумкин. Муаммар «табъ» тушунчасини мантиқ доирасида олиб қараб, *жисм, яъни тананинг мавжудлиги Аллоҳга боғлиқ ундаги акциденциянинг яшовчанлиги жисм, яъни тананинг ўз «ҳаракати»га боғлиқ*, деб таъкидлаган эди.

Ушбу ҳаракатларнинг келиб чиқиш сабаби икки хил бўлиши мумкин. Ан-Наъзом, *емгир мисолида ҳаракат табиий заруратдан (табъан) келиб чиқиши мумкин*, деб қарайди. Унингча, ихтиёрий тарзда (ихтиёран) бирор нарса рўй бериши ҳам мумкин. Бунга мисол қилиб Ан-Наъзом инсон, жонзотларнинг пайдо бўлишини кўрсатади. Бу мулоҳазани Муаммар қуйидагича асослашга ҳаракат қилади: *тана бирор-бир сифати (масалан, ранги) қабул қилишга мойил бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Биринчи ҳолатида ранг унга ўз табиатига бинвоан тегишли бўлади. Бунда ранг*

<sup>6</sup>Fakhry Majid. P. 63.

<sup>7</sup>Fakhry Majid. P. 65.

<sup>6</sup>Fakhry Majid. P. 65.



унинг феълидан келиб чиқади (мин феълиҳи), чунки нарсанинг нисбатан табиий бўлиши бошқа бир нарсанинг (агент) ҳаракатидан ҳосил бўлган, деб бўлмайди. Иккинчи ҳолатда эса Аллоҳ танага бирор рангни ирода этиши мумкин, аммо тана рангни унга мойил бўлмагани сабабли қабул қилмаслиги мумкин. Демак, Аллоҳ сифатларга сабаб бўлади, деб айтиб бўлмайди, аммо баъосита сабаб бўлиши мумкин, яъни тана сифатларни табиий равишда олади<sup>8</sup>.

Муаммарнинг таъбъ тушунчасида мантикий ечимга келиши Аллоҳнинг дунёдаги ёвузликларга масъул эмаслигини кўрсатиш истагидан тутилган. Муаммарнинг бу қарашларини унинг мухोलифлари *заиф* деб ҳисобладилар ва «Аллоҳ ҳаёт ва оламнинг яратувчиси» эканлигини таъкидладилар.

Инсон феъли масаласида Муаммар таълимоти Ан-Наъзом таълимоти руҳига яқин эди. Наъзом фикрича: «Инсон субстанциядир ва танадан айридир. Инсонга куч-қудрат, ташаббус, билим, ҳаракатга таъсирчан бўлмаслик, роҳат, тараққий этиш ва бошқа неъматлар берилган. У макон ва замон, шарт-шароитлар ҳукмидан озод ва фақат тадбир билан иш куради». Ал-Ашъарий бунга шарҳ бериб: «Инсон, Муаммар буйича, танани бошқарувчи «бўлиммас қисмча» (атом) бўлиб, у иродани амалга оширувчи механизмдир, «инсон ташқи оламда бирор нарса қилишга ожиз», – дейди<sup>9</sup>. Наъзомнинг фикри ҳам – худди шундай. Фақат у, инсон ўз ирода-хоҳиши олами ичида (фи нафсиҳи) ҳаракат қилади, деб қўшимча қилади. Шундай қилиб, инсон билим, ирода, нафрат билан тақдирланган. Бироқ у иродасидан ташқари оламда бирор ишни бажаришга қодир эмас.

Тана ва руҳнинг алоҳидалиги ҳақидаги қарашлар катта баҳсларни келтириб чиқарди. Баъдод калом мактабининг нуфузли вакили Сумома ибн Ашрас (вафоти – 828 йил), муътазиллийлар қаби, Аллоҳ адолати ва инсоннинг ўз феъла-амалларига масъуллигини ёқлаб чиқди. Аммо ўз фикрларида қарама-қаршиликка дуч келиб, бутунлай агностицизм мавқеига ўтиб олди<sup>10</sup>.

Диккат қилинса, Бишр ва Абул Ҳузайл, инсон ўз иродасидан ташқари содир этган феъли учун ўзи жавобгар, деб ҳисоблаганлар. Ан-Наъзом ва Муаммар эса, инсоннинг феъли табиатга боғлиқ бўлиб, у табиат орқали Аллоҳга боғланади, дейди. Сумома шундай савол қўяди: «Агар Бишрни ҳақ десак, унда инсон содир этган қотиллик унинг бўлишига қўйилади. Иккинчи томондан, агар ўзим – Аллоҳ иродаси десак, унда инсоннинг ушбу феъли учун Аллоҳ жавобгар бўлиб чиқади. Инсон ирода доирасида ҳаракат қилса ва ундан ташқари у ҳеч

нарсасига қодир бўлмаса, унда унинг феъла-амаллари учун ким жавобгар?»

Сумоманинг фикрича, демак, оқибат учун масъул йўқ, Аллоҳ ҳам, инсон ҳам содир этилган феъл натижаси бўйича, маънавий масъулиятдан озоддир. Сумома ўз қарашларига ҳеч бир ақлий далил келтира олмаган. Унинг таълимоти ҳақида маълумотлар шуғчалик камки, бу борада муайян тасаввур ҳосил қилиш – мушкул.

Муътазиллийлар, инсон ўз феълининг яратувчиси, дейиш билан бирга, атомлар ва акциденциянинг имконий метафизикасини (илоҳиётини) баён қилди. Бу қараш бўйича, оламдаги барча нарсалар икки фаркли унсурдан – атомлар ва акциденциядан ташкил топади. Калом олимлари Зурар ибн Амр, Ан-Наъзом, Ҳишом ибн ал-Ҳакам, Ал-Асамм қабилар бу масалаларда турлича мавқеаларда бўлсалар ҳам, ашъарийлар бу қарашни тўлалигича қўллаб-қувватлашди<sup>11</sup>. Ашъарийлар, барча нарсаларнинг қарама-қарши қутби бўлгани қаби, тана ҳам ижобий ва салбий ҳусусиятлардан холи бўла олмади, деб ҳисоблади. Ушбу хулоса кўпчилик муътазиллийлар томонидан маъқулланди. Шунга қарамай, Солиҳ Қуббо ва Абул Ҳусайн ас-Солиҳий қаби муътазиллий олимлар Аллоҳнинг қудратли эканини рўқач қилиб, Аллоҳ акциденциялардан холи атомни яратиши мумкинлигини таъкидлади. Абу Ҳошим ал-Жубоий (888 – 933 йиллар) ва Абул Қосим ал-Қазбийлар (вафоти – 929 ёки 931 йил) эса уларга қисман қўшилиб, тана ранг ва қоян (қоинот) акциденцияларини истисно этганда, барча акциденциялардан холи бўлиши мумкин, деган фикрни билдиришди.

Мутакаллимлар(ашъарийлар)нинг атом ва акциденцияларнинг имконий метафизикасига қизиқишига сабаб, улар Аллоҳнинг мутлак хокимиятини ва Унинг нарсалар моҳиятигагина эмас, балки, уларнинг мавжудлигига, бир турдан иккинчи турга ўзгаришига ҳам дахлдор эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилмоқчи бўдилар. Уларга бинвоян, нарсаларга ҳаёт бағишлаб турган акциденция (азроъ) Аллоҳ томонидан олиб қўйилса, улар ҳалок бўлади.

Муътазиллийларнинг бизгача етиб келган ғоялари ҳақидаги маълумотларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

- 1) Аллоҳнинг адолатлилиги;
- 2) тавҳид (Аллоҳнинг бирлиги);
- 3) Аллоҳ ваъдаси (Аҳд) ва қаҳрининг собитлиги;
- 4) куфр ва иймон ўртасида аросатда қолиш;
- 5) ал-амр ва-н-наҳий (буюрилган ва ман этилган қоидалар).

Шариат ва илоҳиётни келиштириш, мантикий

<sup>8</sup>Fakhrī Majid, P. 66.

<sup>9</sup>Fakhrī Majid, P. 66.

<sup>10</sup>Fakhrī Majid, P. 67.

<sup>11</sup>Fakhrī Majid, P. 69.



фикрни шаръий асосларга қўйиш – бидъат ва бузғунчи гояларга қарши курашнинг ягона чораси эканлиги тушуниб етилгунга қадар ордан бир аср вақт ўтди. Муътазиллийларга қарши қаратилган асосий зарбалар Абулхасан Ашъарий (873 – 935 йиллар) томонидан бошлаб берилди. Бу Восил ибн Ато вафотидан кейин бир аср ўтгандан кейингина рўй берди.

Ашъарийдан хабарсиз ҳолда худди шу даврда курашга ўтган яна бир илоҳиётчи олим Абу Мансур Мотуридий бўлди. Ашъарий Бағдодда фаоллиқ кўрсатган бўлса, Мотуридий Самарқандда яшаган. Шуниси аҳамиятлики, уларнинг асосий масалалардаги ҳулоса ва ечимларида яқинлиқ йўқ, айниқса, Мотуридий таълимоти – Ашъарийникидан бирмунча муфассалроқ ва равшанроқ.

Абул Хасан ал-Ашъарий 873 йили Басрада туғилди. У муътазиллийлар пешвоси Жуббонийдан (вафоти – 915 йил) таълим олиб, вояга етди. 912 йили муътазиллийлар билан алоқани узиб, Бағдодга кўчиб ўтди ва шу ерда 935 йили вафот этди.


Абул Хасан ал-Ашъарийнинг муътазила оқимини тарқ эттишига бир воқеа сабаб бўлган. Қунардан бир кун у устози Абу Али ал-Жуббонийга шундай савол беради: «Уч ака-укаминг қаттаси Аллоҳга тоат-ибодат қилиб дунёдан ўтган. Уртанчаси унинг акси, яъни тоат ўрнига гуноҳ ва маъсият билан умрини ўтказган. Кенжаси эса вояга етмай, сағирлик вақтида ўлган бўлса, қиёмат куни уларга нисбатан Аллоҳ таоло қандай муносабатда бўлади?». Ал-Жуббоний: «Қаттаси жаннатга, уртанчаси дўзахга тушади. Кенжаси эса иккисига ҳам тушмайди», – деб жавоб беради. Ашъарий: «Агар кенжаси, эй Раббим, нега мени

сағирлигимда ўлдирдинг, агар умр берганимда мен ҳам иймон келтириб, тоат-ибодат қилиб жаннатга кирар эдим-ку, деса, Аллоҳ нима деб жавоб беради?», – деб сўрайди. Устози: «Аллоҳ унга: Мен биламанки, сенга умр берсам, тоат ўрнига маъсият билан машғул бўлар эдинг. Мен сенинг фойдангни истаб, ешилганимда ўлдирдим. Натижада дўзахдан омон қолдинг, – деб жавоб беради» – дебди. Шунда Ал-Ашъарий: «Уртанчаси Аллоҳга, нега мени сағирлигимда ўлдирмадинг, токи бу гуноҳларни қилиб, дўзахга тушмаган бўлар эдим», – деса, Аллоҳ нима деб жавоб беради?» – деб сўраганда, Ал-Жуббоний жавоб топа олмай, мулҳам бўлиб қолган экан. Шундан сўнг Ал-Ашъарий ва унинг ҳамфикрлари муътазила маънабини тарқ этиб, суният ва саҳобалар жамоаси юрган йўлга ўтишади. Шу йўлда юрувчиларни «аҳли сунна ва-л-жамоа» деб атаёт бошлайдилар<sup>12</sup>.

912 йили Ал-Ашъарий диний амрлар, Аллоҳ маърифати ва унинг яратилмалари ҳақидаги бор исломий манбаларни ўрганиб, шарият ислом асосларини ҳимоя қилиш учун етарли кучга эга, ваҳйини тушунтириш учун ақлий-мантқиқий тифақкурга ҳожат йўқлигини баён қилди. Муътазиллийлар Куръон матнларини чуқур таъвил қилишда мантиқ қатга тушунтириш қувватига эътиборини Куръонни қарим асосида далиллаган эди. Улар айтар эдики, Куръон кўр-кўрона эътиқодга қарши, муслим ва кофирларни бирдек ақл билан тафаккур қилишга чақиради (Куръонни қарим, «Бақара» сураси, 170-оят; «Монда» сураси, 104-оят) ва қайта-қайта унинг сўзларига кулоқ тутушни буюради («Оли Имрон» сураси, 63-оят; «Юсуф» сураси, 2-оят).

Аллоҳ, унинг маъжудлиги, зоти ва сифатларини билиш, шунингдек, чин эътиқодга эришиш, яхши-ёмон ахлоқни фарқлаш, пайгамбарлик ва ваҳйнинг ҳақиқатлиги, моддий олам тузилиши ва унинг Яратувчиси орасидаги муносабатни аниқлаш ақл ва тифақкур билан бўлмайди. Ақс ҳолда, улар диний амрлар ва нақлга таяниб, замон талабига жавоб бермай қолиши мумкин. Бундай пайтда нақл ўзининг номукамаллиги туфайли ҳақиқий иймонга путур еткази.

Бу икки теологик мактаб – муътазила ва ашъариянинг баҳслари, предмет ва усул жиҳатидан теологик бўлса ҳам, фалсафий муноҳадалардан холи эмас эди. Айни чоқда бу икки оқимнинг файласуфларга муносабати салбий эди. Улар, бир томондан, динни тушунишда мантиқнинг фойдали эканлигини тан оларди, иккинчи томондан, юнон таълимоти, айниқса, Аристотель гоялари асосида динни тушунтираётган «ал-фалсафа»ни қоралар эди<sup>13</sup>. Ашъарийлар шаръат манфайтлари-



<sup>12</sup>Мансур А. Қалом илми тарихидан бир давр. // Имом ал-Бухорий сабақлари. 2004 йил. 4-сон. 253-бет.

<sup>13</sup>Oliver, p. 14.





ни ҳимоя қилиш учун майдонга тушганликлари сабабли ўша даврларда устувор бўлган тамойил бўйича фалсафага қарши турганликлари – табиий. Бироқ муътазиллийлар, ўзлари шарият томонидан бидъат гуруҳ сифатида қоралана туриб, фалсафани рад этган. Бундан, *муътазиллийлар диний ҳужжатларни тан олган*, деган хулоса чиқади. Зеро «ал-фалсафа» диний ҳужжатларни тамомила инкор этарди.

Мотуридиянинг асосчиси Абу Мансур Мотуридий (870 – 944 йиллар) Самарқанднинг Мотурид кишлоғида туғилган. У дастлабки таълимни ўзининг кишлоғида олиб, кейинчалик Самарқанддаги Работи Ғоибий мадрасасида ўқиди. Ал-Мотуридий яшаган давр сомонийлар ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. У Самарқандда 944 йили вафот этди ва қабри – ўша даврда шаҳар чеккасида бўлган Чоқардиза қабристонида.

Мотуридий асарларининг сони ўн бештага етади. «Китоб ут-тавҳид», «Китоб ул-мақолот», Қазбий асарларига муносабат билдирилган бир неча асарлари, «Китобу баъни ваҳм ал-муътазилла» («Муътазиллийлар ваҳму гумонларининг баъни ҳақида китоб»), «Китоб таъвилот ал-Қуръон» («Қуръон таъвиллари китоби») қабилар – шулар жумласидан.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Маохиз уш-шароъ фи усул ал-фикҳ» («Фикҳ усулида шарият асослари манбаси»), «Китоб ул-жадал» («Диалектика ҳақида китоб») қабил асарлари ҳам бўлган. Булардан ташқари, Мотуридийнинг «Китоб ал-усул» («Диний таълимот усули китоби») асари борлиги ҳам – маълум.

Мотуридий «Таъвилот ал-Қуръон» асарида Абу Ханифанинг қарашларига суянган ҳолда бузғунчи ғояларни рад этишга ҳаракат қилди.

Унинг бу асарига кўп олимлар мурожаат қилган ва ундан ижодий фойдаланган. Айримлар шарҳ ёзиб, алломанинг фикрларини янада ривожлантирди. Шулардан бири – Алоуддин ас-Самарқандийнинг шарҳи. «Шарҳу таъвилоти аҳл ас-сунна» деб номланган бу асарнинг икки нусхаси Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарҳ қўлёзмалари маркази хазинасида сақланади.

Мотуридийга кўплаб олимлар эргашди. Улар орасида ислом оламига машҳур алломалар Абул Ҳасан ар-Рустуфағний (вафоти – 961 йил), Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абдулқарим ал-Падданий (вафоти – 999 йил), Абу Аҳмад ибн Абу Наср ал-Ибзий қабил олимлар бор эди. Мотуридий таълимотининг кенг тарқалишида уларнинг хизматлари – катта.

Олмон олими Ульрих Рудольф Мотуридий илмий меросини Ашъарий таълимоти билан солиштирар экан, уларнинг ўртасида муайян ўхшашликлар мавжуд эканлигини эътироф этади. Шу билан бирга, энг муҳим тамойилларга тегишли бир талай фарқлар ҳам учрашини таъкидлайди. Ашъарий ўз назариясини далиллаш учун радикал таърифлар келтиришдан қайтмаган. Мотуридий эса, аксинча, радикалликдан қочган. У кўпроқ, барчани қониқтирувчи, шу билан бирга, ислом асосларига мувофиқ келувчи синтезлаш йўлини афзал кўрган.